

Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhr` s linguistic school

Malika Nosirova

International Islamic Academy of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Nosirova, Malika () "Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhr` s linguistic school," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 14.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss1/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ГРАММАТИК
МЕРОСИ ВА МОВАРОУННАҲР
ТИЛШУНОСЛИК МАКТАБИНИ ТАДҚИҚ
ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ИЗУЧЕНИЯ ГРАММАТИЧЕСКОГО
НАСЛЕДИЯ МАХМУДА ЗАМАХШАРИ
И ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ ШКОЛЫ
МАВЕРАННАХРА

SCIENTIFIC HERITAGE OF MAKHMUD
ZAMAKHSHARI AND ACTUAL QUESTIONS
OF THE STUDIES OF MAVARENNAKHR`S
LINGUISTIC SCHOOL

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр тилишунослик мактаби, илмий мерос, ислом илмлари, синтаксис, морфология, қўлёзма, мадраса.

Ключевые слова: лингвистическая школа Мавераннахра, научное наследие, исламские науки, синтаксис, морфология, рукопись, мадраса.

Key words: Linguistic school of Mavarennakhr, scientific heritage, Islamic studies, syntaxes, morphology, manuscript, madrasa.

Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида маданий юксалиш ислом маданияти доирасида кечганлиги боис, унинг омилларида ҳисобланган ислом илмларининг ўрни ва таъсири юқори бўлган. Ислом илмларига тафсир, калом, ҳадис, мантиқ илмлари қаторида илм ал-луға ал-арабийя – араб тили соҳаси ҳам киради. Бунинг сабаби шариатнинг асосий манбалари бўлмиш Қуръони карим ва ҳадислар ҳамда уларнинг далиллари араб тилида эди. Ислом динининг бошқа мамлакатларга тарқалиши ва ўзга миллатлар томонидан араб тилини ўзлаштиришга бўлган зарурат, яъни Қуръон оятларидаги тушунилиши қийин, мураккаб сўз ва ибораларнинг мазмунини очиб беришга бўлган уринишлар араб тилининг грамматикасини мукамал ишлаб чиқишга туртки бўлди. Мовароуннаҳрда бу илм соҳасининг аҳамиятини юксалтириб юборди. Бундай тарихий шарт-шароит, ўз навбатида, Мовароуннаҳрда маҳаллий араб тилшунослиги мактабининг шаклланишига сабаб бўлди. Узоқ ўрта асрларда араб тилшунослиги пайдо бўлган дастлабки кунлардаёқ унинг йўналишида бир нечта илмий мактаблар

Мақола ўрта асрларнинг машхур тилшунос олими Махмуд Замахшарийнинг илмий фаолияти ва унинг тилшунослик мактабига бағишланган.

Статья посвящается научной деятельности выдающегося лингвиста средневековья Махмуда Замахшари и его лингвистической школы.

This article is devoted to the scientific activities of the outstanding medieval linguist of Mavarennakhr Makhmud Zamakhshari and his linguistic school.

шакланган. Жумладан, араб лингвистик анъаналарида Басра, Куфа, Бағдод, Миср ва Андалусия тилшунослик мактаблари қайд этилади [4;5;8].

Мовароуннаҳр араб тилшунослиги мактаби ўрта асрлар тилшунослиги тарихи ўз йўлида учратган буюк алломалардан бири Махмуд Замахшарий шахсияти билан боғлиқ. Махмуд Замахшарий оламшумул шон-шухратни аввало етук тилшунос ва «Ал-Муфассал» асарининг муаллифи сифатида қўлга киритган⁶. Унинг тилшунослик ва луғатшуносликка оид топилаган асарлари қуйидагилар:

- Ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб – «Эъроб санъати ҳақида муфассал китоб»;
- Ал-Унмузаж фи-н-наҳв – «Наҳв илмидан намуна»;
- Муқаддамату-л-адаб – «Адаб илмига кириш»;
- Шарҳ баъди-л-мушкилат фи-л-муфассал – «Муфассал»даги баъзи қийин масалаларнинг шарҳи»;
- Шарҳ абйат китоб Сибавайҳи – «Сибавайҳи «Китоби» байтларининг шарҳи»;
- Ал-Аҳажий-н-наҳвиййа – «Грамматик масалаларга оид жумбоқлар»;
- Ал-Муфрад ва-л-мураккаб фи-л-арабиййа – «Араб тилида бирлик ва кўплик»;
- Самийму-л-арабиййа – «Араб тилининг негизи»;
- Ал-Амалий фи-н-наҳв – «Грамматик қоидаларда орфография»;
- Нукату-л-аъроб фи ғариби-л-иъроб – «Қуръоннинг ажойиб ифодасида араблар нафосати»;
- Асосу-л-балоғати – «Балоғат (илмларининг) асослари»;
- Аъжабу-л-ажаб фи «Ломияти-л-араб» – «Ломияту-л-араб» шарҳида ажойибнинг ажойиб»;

⁶ «Ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб» асари 1119–1121 йилларда, аниқроғи бир йилу тўрт ойда ёзилган. Биринчи марта у Кристианида 1859 ва 1879 йилларда нашр қилинган.

– Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис – «Ҳадислардаги нотаниш (сўзларни изоҳлашга доир) ажойиб китоб»;

- Жавоҳиру-л-луғат – «Тил жавоҳирлари»;
- Савоиру-л-амсол – «Танланган мақоллар»;
- Ал-Муъжаму-л-арабиййату-л-форсиййату – «Арабча-форсча луғат»;
- Девону-т-тамсил – «Ассимиляция ҳақида девон».

– Шарҳу-л-фасиҳ – Саълабнинг «Фасиҳ» асарига шарҳ;

- Ал-асмо фи-л-луғат – «Тилда исмлар»;
- Ал-мустақсо фи амсали-л-араб – «Араб мақолларини тадқиқ этувчи (луғат)».

«Ал-Кашшоф ʻан ҳақоиқи ғавомизи-т-танзил ва ʻуйуну-л-ақавил фи вужуҳи-т-таъвил» – «Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уларни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очгич». ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида олим асарларининг кўпсонли қўлёзмалари сақланади.

Жумладан, Махмуд Замахшарийнинг дидактик асари «Атбақу-з-заҳаб»нинг № 4877 рақамдаги ягона нусхаси XIX асрда кўчирилган. Қўлёзма Шарафиддин Исфаҳонийнинг «Атбақу-з-заҳаб» асари киритилганлиги билан ҳам эътиборли.

«Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис» луғати (№5134) 342 саҳифадан иборат. № 4725 рақамли қўлёзма 760/1358 йилда кўчирилган бўлиб, тўлиқ эмас.

«Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-аҳёр» асарининг ягона нусхаси 2384 рақам остида сақланади. У 997/1589 кўчирилган. Бу қўлёзма тўлиқ эмас, охириги 17 боби йўқ.

«Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарининг (№7151; №12858; №12474; №8589; №12888; №8107; №8642) еттита қўлёзмаси сақланади. Уларнинг барчаси Ардабилининг шарҳи билан кўчирилган. Уларнинг аксарияти XVIII–XIX асрларга оид.

«Ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб» (№5198; №3697; №11459; №5675; №3272) асарининг 11 та нусхаси сақланади. Китобат даврига кўра энг қадимийси XIV асрга тегишли.

«Ал-Муфассал» араб тилшунослигига оид мураккаб масалаларни ечишда тилшунослар мурожаат қиладиган ишончли манбалардан ҳисобланади. Ҳозирги замон араб тилшуносларидан Аббос Ҳасан ўзининг 1967 йилдан бери қайта-қайта нашр этилаётган 4 жилдлик النحو الوافی – «Аниқ грамматика» номли асарида барча қийин, муаммоли масалалар

ни шарҳлашда, тушунтиришда «Ал-Муфассал»га мурожаат этади.

Бу асарнинг тўлиқ номи «ал-Муфассал фи санъати-л-йъраб» ёки «Ал-Муфассал фи-н-наҳв» деб аталиб, у араб тилининг грамматикасига бағишланган мукамал ва юксак даражадаги асарлардан бири ҳисобланади. Танқидчилар ҳақли равишда уни Сибавайҳининг «ал-Китаб» асаридан кейин иккинчи ўринга қўядилар.

Замахшарий ушбу 4 қисмдан иборат асарида Сибавайҳи ёки бошқа тилшунос олимлардан фарқли равишда араб наҳвини баён қилишнинг янги усулини қўллаган. Унга кўра тил қоидалари сўз туркумлари бўйича тушунтирилган. Шунга мувофиқ 1-боб «Исм» сўз туркуми, 2-боб «Феъл» сўз туркуми, 3-боб «Ҳарф», яъни ёрдамчи сўзлар туркумига бағишланган. Бу бобларнинг ҳар бирида ҳам синтаксис, ҳам морфология масалалари ўрганилган. Мазкур усул ҳозирга қадар араб тилшунослигида муваффақият билан қўлланилмоқда. Асарнинг «Ал-Муштарак» деб номланган 4-бобида барча сўз туркумлари учун баробар тааллуқли бўлган ва махсус тадқиқ талаб этувчи алоҳида ҳодисалар борлигига эътибор қаратилган.

Араб тилининг табиий хусусиятларига солинган чуқур илмий назар Маҳмуд Замахшарийга лингвистик тадқиқотларида ажойиб натижаларга эришишига ёрдам берган ва араб тилининг назарий грамматикасига катта ҳисса қўшган. Европалик машҳур арабшунос олимлардан А.Флеш, Ж.Кантино, М.Бравманн, К.Броккельман, М.Грюнерт, Б.М.Гранде ўз тадқиқотларида Маҳмуд Замахшарий асарларида илгари сурилган концепцияларга катта эътибор берганлар.

Одатда асарларга атаб ёзилган шарҳлар унинг қай даражада машҳур эканлигини билдиради. К. Броккельманнинг таъкидлашича, «ал-Муфассал»га 30 дан ортиқ шарҳ ёзилган [3: 25–242]. Бироқ асар шарҳларини тўплаш юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз уларнинг сони 70 га яқин [7: 28–43], эканини кўрсатди. Уларнинг ичида энг машҳурлари Қосим Ҳусайний Хоразмий⁷, Абул Бақо

Йаиш⁸, Ибн Ҳожиб⁹ ва Фахруддин Розий¹⁰нинг шарҳларидир. Аммо «Муфассал»га биринчи шарҳни Замахшарийнинг ўзи ёзган. Мазкур шарҳ «Муфассал»даги баъзи қийин масалаларнинг шарҳи» деб аталади¹¹.

Буюк тилшунос олим Маҳмуд Замахшарий ўз илмий фаолияти давомида фан соҳаларининг турли йўналишларида кўплаб илмий асарлар ёзган бўлсада, улардан 4 таси бошқа асарларга ёзилган шарҳлар ҳисобланади. Аллома ўзининг иккита асарини шарҳлаган бўлиб, биринчиси, айтиб ўтганимиздек, «ал-Муфассал фи-н-наҳв» асарига ёзган шарҳи, иккинчиси «Шарҳ мақомати-з-Замахшарий»дир. Замахшарий илк ўрта асрларнинг буюк тилшунос олими Сибавайҳининг «ал-Китаб» асарига ёзган шарҳини «Шарҳ абйат китаб Сибавайҳи» деб номлаган [2:56–63]. Тўртинчиси «Саълаб» номи билан машҳур бўлган тилшунос олим, араб тилшунослигига тамал тошини қўйганлардан бири Абу-л-Аббос Аҳмад б. Яҳё б. Зайд б. Йасар Шайбонийнинг (200/815 – 291/900 й., Бағдод) «ал-Фасих» асарига ёзган шарҳидир.

Мовароуннаҳр тилшунослари маҳаллий аҳолига мўлжаллаб мадрасаларда таҳсил бериш учун араб тили грамматикасига оид махсус дарсликлар яратганлар. Улар орасидан Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Унмузаж фи-н-наҳв – Наҳв (грамматика) илмидан намуна», «Ҳаракот – Исmlарнинг турланиши»¹² ва Абу Наср Мутарризийнинг «ал-Мисбах фи-н-наҳв – Наҳв илми шамчироғи», Ҳамидуудун

⁸ Ибн Йаиш (1156 – 1245 й.) «ал-Муфассал»га ёзилган энг машҳур шарҳнинг муаллифи. Бу шарҳ биринчи марта Лейпцигга 1882 йили икки жилда нашр қилинган.

⁹ Ибн Ҳожиб (1175–1249 й.) «ал-Муфассал»га ёзилган «ал-Йидах» номли энг машҳур шарҳнинг муаллифи. Бу шарҳнинг қўлёзма нусхалари Германия (Мюнхен, Берлин), Англия, Туркия (Анқара, Отиф Афанди), Сурия, Исроил ва Ҳиндистон кутубхоналарида сақланади.

¹⁰ Муҳаммад Али Фахруддин Розий (1148–1269 й.) – ўрта асрларнинг буюк илоҳиётчиси. Унинг шарҳи «Аъраисул-мухассал фи нафайси-л-муфассал» деб номланади. Бу шарҳнинг икки қўлёзмаси Саудия Арабистони ва Туркияда сақланади.

¹¹ Бу шарҳнинг мухтасари Лейден кутубхонасида 164 рақам билан, иккинчи нусхаси эса Венада 254 рақам остида сақланади. Қаранг: Броккельман К. Араб адабиёти тарихи. – Миср. Т.5., 1975.

¹² Ҳаракот – «Муқаддамату-л-адаб»нинг 4-қисмишусўз билан бошланади. Мазкур қисм араб тили грамматикасининг қийин соҳаси – исmlарнинг турланишига бағишланганлиги сабабли зарур манба сифатида алоҳида ўрганиш учун жуда кўплаб нусхаларда кўчирилган.

⁷ Қосим Ҳусайний (1160–1219 й.) Маҳмуд Замахшарийнинг олтига асарига шарҳ ёзган. «Ал-Муфассал»нинг ўзига учта – «ал-Мужаммара», «ат-Тахмир», «ас-Сабика» номли шарҳ ёзган. Шунингдек, «ал-Муфрад ва ал-муаллаф», «ал-Аҳажий» ва «ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарларини ҳам шарҳлаган. «Ат-Тахмир»нинг қўлёзма нусхалари Британия музейида, Сурия ва Мисрда сақланади.

Даририйнинг «Муқаддамату-д-Даририй – Даририйнинг муқаддимаси», Муҳаммад ибн Аби ал-Қосим Муъиззийнинг «Китабу-т-тасрифи-л-Муъиззий – Муъиззийнинг тасриф (фёълларнинг тусланиши) китоби», Абдурахмон Жомийнинг «Фавоиду-д-Дийаййа» каби асарларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу қўлланмалар ўзининг лўндалиги, давомийлиги, материални баён қилиш ва тақдим этишдаги ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Улар араб тилининг лексикаси ва грамматикасини бирдек жадал суръатларда эгаллаш заруратини эътиборга олган ҳолда ёзилган. Натижада бу рисоалар шу қадар шухрат қозондики, бир неча аср давомида Шарқнинг барча мадрасаларида улардан араб тилидан таълим беришда асосий адабиёт сифатида фойдаланганлар.

Бу грамматик рисоалар ўрта асрлардан бошлаб, то мадраса тизими мавжуд бўлган XX асрнинг 1-чорагигача кенг қўлланилди. Улар айнан классик манбалар тилини ўрганишга қаратилган эди. Табиийки, бу рисоалар асосида таълим олган талабалар араб тилидаги илмий матнни яхши тушуниб, ўзлаштира олиш даражасига етишган. Марказий Осиёда араб тилини ўрганиш учун фойдаланилган грамматик асарларнинг аксарияти айнан мана шу даврда ёзилган ва кенг муомалага киритилган. Шу нуқтаи назардан юқоридаги грамматик рисоаларнинг шаклланиш жараёни, уларда грамматик материалларнинг берилиш тартиби, баён қилиш услуби жиҳатидан бу грамматик қўлланмаларнинг араб тилини ўрганишда бир-бирини тўлдириши илмий-методик нуқтаи назардан ҳозирга қадар таҳлил қилинган эмас. Бу эса ушбу мавзунинг долзарблигига ишора қилади.

IX–XIV асрлар Мовароуннаҳр маданий ҳаёти тарихида ўзига хос бир давр бўлиб қолди. Бу даврда мазкур минтақа, хусусан, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Насаф, Хоразм каби шаҳарларда дунёвий ва диний илмларнинг йирик мактаблари вужудга келиб, ушбу мактаб вакиллариининг довури бутун дунёга таралди. Айнан шу ерда араб тилидаги тилшуносликка оид илмий ва ўқув адабиётлари яратилди, лингвистик анъаналарни шакллантиришга ва фундаментал асарлар яратишга қулай шароит пайдо бўлди. Натижада Мовароуннаҳр араб тилшунослиги мактаби шу қадар ривож топдики, Маҳмуд Замахшарий ва издошларининг номлари, уларнинг ёзган асарлари бутун мусулмон оламида алоҳида ўзига хос эътибор топди. Бундай асарлар жумласида Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Муфассал»,

«ал-Кашшоф», «Асосу-л-балоға», «Муқаддамату-л-адаб», Умар Насафий (461–537/1069–1142)нинг «Хасоису-л-луғат», Абу-л-Фатҳ Мутарризий (538/1143–610/1213)нинг «ал-Муқаддамату-л-Мутарризийа фи-н-наҳв», «ал-Иқнаъ фи-л-луғати», Аҳмад Жандийнинг (ваф. 700/1301 й.) «ал-Иқлид» ва «Уқуду-л-жавоҳир фи илми-т-тасриф», ал-Қосим Муҳаммад Хоразмий (555–617/1160–1220)нинг «Китабу ажаиб-н-наҳв», «Китабу сихри-л-иъраб», «аз-Заваё ва-л-хабаё фи-н-наҳв», «ал-Мухтасар», «Китабу-л-муҷаммара», «Китабу-т-таҳмир» каби асарларини [9:640] таъкидлаш жоиз.

Мовароуннаҳрда асарларга илмий шарҳ ёзиш анъанасининг пайдо бўлиши эса турли тилшунослик мактаблари вакиллариини бир-бири билан боғлайдиган ҳалқа вазифасини бажариб, ўзаро тажриба алмашишга ва араб тилшунослик мушоҳадасининг кейинги ривожига хизмат қилган.

Араб тилшунослик фани ривожини тарихидан кўриниб турибдики, лингвистик ғоянинг ривожидан ҳар бир кейинги босқич аввалги, босиб ўтилган даврга хос бўлган қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш, янги ютуқлар эса кашф этилган қонуниятлар ва назарияларнинг бевосита давоми бўлиб, улар фан тараққиётининг янада юксак даражасини ифодалашини кўрсатади. Худди шундай Маҳмуд Замахшарийнинг ва у яратган тилшунослик мактаби вакиллариининг араб тилшунослиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган тилшуносликка оид асарлари бу соҳадаги умумий муваффақиятларга қўшилган катта улуш бўлган.

Маҳмуд Замахшарий илмий мероси ва у асос солган араб тилшунослик мактаби мамлакатимиз илм-фани тараққиёти тарихини ўрганувчи изланувчиларга янги тадқиқот объекти учун йўл очади, деб ўйлаймиз. Бу тадқиқотларда уламоларимиз асарларининг кўпсонли қўлёзмалари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси (ўзбек ва араб тилларида) – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2007.
2. Аҳмад Муҳаммад ал-Хуфий. аз-Замахшарий. – Миср, 1966.
3. Броккельман К. Араб адабиёти тарихи. – Миср. 1975, Т.5.

4. Мозин Муборак. Ан-наҳву-л-арабий. Ал-иллату-н-наҳвиййа: нашаатуҳа ва татаввурӯҳа. –Байрут, 1971.
5. Муҳаммад Тантавий. Нашъату-н-наҳв ва тариху ашҳури-н-нуҳҳат. –Қоҳира, 2005.
6. Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд. Асасу-л-балағати. –Байрут, 1998.
7. Носирова М.А. Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Муфассал» асарига ёзилган шарҳлар// Шарқшунослик (ТошДШИ) -2009. №1-2. –Б. 28–34.
8. Салоҳ Раввойи. Ан-наҳву-л-арабий:нашъатуҳу, татаввурӯҳу, масадируҳу, рижалуҳу. – Қоҳира, 2003.
9. Ёқут Ҳамавий. Муъжаму-л-удабо. –Миср, 1924, Ж.2.

Malika NOSIROVA,

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi «Mumtoz sharq
adabiyoti va manbashunoslik»
kafedrasi mudiri, filologiya fanlari nomzodi*

